Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 2 МАРТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 52 (12.865)

Баҳоси эркин нархда

Халқимизнинг суюкли шоираси Зулфиянинг баҳор нафаси, табиатга, ҳаётга муҳаббат ғоялари билан лиммо-лим тўла ижоди қалбларга самимият бағишлайди. Унинг шеърлари она-табиатга, шу табаррук тупроққа, унинг меҳнатсевар, фидойи инсонларига, мунис опа-сингилларимизга чуқур эҳтиромга йўғрилгани билан ғоят қадрлидир.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Зулфия таваллудининг 100 йиллиги

АРДОҚЛИ ШОИРА, МЕҲРИБОН УСТОЗ

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан ардоқли шоиранинг 100 йиллик таваллуд айёми кенг нишонланган ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар қалбида ватанпарварлик, ибратли анъаналарга ҳурмат ва эҳтиром, миллий адабиётимизга бўлган меҳр ва иштиёқини тобора кучайтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Хабар қилинганидек, «Туркистон» саройида 27 февраль куни Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари Ҳ.Ортиқбоева ва бошқалар мамлакатимизда ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик адабиёт, санъат, маданият ва маънавиятимизни, илм-фанни тобора равнақ топтириш, янгича фикр ва дунёқарашга эга бўлган авлодни вояга етказиш, ижодкорларни янгидан-янги марралар сари руҳлантириш имконини бераётганини таъкидлади.

Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларда миллий адабиётимиз ривожи йўлида самарали фаолият кўрсатган ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатини қадрлаш, хотирасини эъзозлаш, асарларида тараннум этилган ғояларнинг мазмун-моҳиятини китобхонлар орасида кенг тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади. Шоиранинг «Ҳаёт варақлари», «Ҳижрон кунларида», «Юрагимга яқин кишилар», «Мушоира» каби шеърий тўпламлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Соғинч, изтироб, ҳаётга чексиз муҳаббат билан йўғрилган «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Халқимга айтар сўзларим», «Соғиниш», «Салом, тансиқ баҳор!», «Шарқнинг ўзи Она бўлган ҳамиша» каби шеърлари адабиёт мухлисларини гўзалликка, инсонни, ҳаётни қадрлашга ундаши билан бирга меҳр, садоқат, сабр-қаноат, матонатдан сўзлайди. Узоқ йиллар «Саодат» журналининг бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатган Зулфия мохир таржимон, жамоат арбоби, журналист сифатида ҳам самарали меҳнат қилди. Камтарин, оддий, айни дамда теран маънавият соҳибаси, ўзбек зиёли аёлининг ёрқин тимсоли бўлган Зулфия қизларимиз учун чинакам ибратдир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиб, ҳар йили 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида мамлакатимизнинг энг истеъдодли қизлари адабиёт, фан, таълим, маданият, санъат каби йўналишларда ушбу мукофот билан тақдирланмоқда.

2008 йилда пойтахтимизда шоира хотирасига бағишлаб маҳобатли монумент барпо этилгани Зулфиянинг миллий адабиётимиз ривожига қўшган ҳиссаси, бетакрор ижодий мероси, самарали фаолиятининг яна бир юксак эътирофидир.

Шоиранинг «Сайланма» китоби чоп этилди. Инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима этилган шеърий тўпламлари китобхонлар учун ўзига хос туҳфа бўлди. «Зулфия замондошлари хотирасида» китобида адабиётшунослар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, мунаққидларнинг эл суйган ижодкор ҳақидаги ёрқин хотиралари, қимматли фикрлари келтирилган.

Шоиранинг «Хотирам синиқлари» достони асосида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда спектакль тайёрланди. Зулфия ижодини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида «Саодат» журнали қошида «Зулфияхоним мактаби» тўгараги ташкил этилиб, шоиранинг ижтимоий фаолияти ҳақида ёшларга батафсил маълумот берилмоқда. Шоира ижоди акс эттирилган махсус веб-сайт ишга туширилди.

Кечада ўзбек киноижодкорлари томонидан Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишлаб тасвирга олинган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Тантанали кечада Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг келини Риоя Олимжонова юртимизда адабиёт, санъат ва маданият аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор, сўз санъати равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилган ижодкорларнинг адабий меросини ўрганиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, хотирасини эъзозлаш йўлидаги бетимсол эзгу саъй-ҳаракатлар, меҳр ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
Отабек Мирсоатов олган суратлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда ўтган йили Ҳисоб палатаси ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган устувор йўналиш ҳамда вазифалар ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилгани таъкидланди, дея хабар беради ЎзА.

Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда палата ўз фаолиятида давлат ва маҳаллий ривожланиш дастурларининг ижроси, маблағлардан мақсадли фойдаланиш, иқтисодиётимиз барча тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш учун мўлжалланган Давлат бюджетининг самарали бажарилишини ўрганишга алоҳида эътибор қаратгани қайд этилган.

Ҳисоб палатаси Бюджет кодексининг 96-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсати ҳамда лойиҳаси асосий йўналишларининг мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқлигини таҳлил қилди. Бундан ташқари, палата томонидан Давлат бюджети харажатлари таҳлил этилиб, иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва бошқа ижтимоий тўловлар бўйича сарф-харажатларнинг бюджет маблағлари билан таъминлангани баҳоланди.

Ўтган йили бюджет маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланиш бўйича ўтказилган текширувлар Ҳисоб палатаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Текширувлар натижаларига кўра, қатор молиявий қонунбузарликлар, хусусан, давлат бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланди.

Депутатлар бундай қонунбузарликларга йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ҳисоб палатаси ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қонунчиликка, шу жумладан қонуности ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритиш учун текширувлар якунлари юзасидан фикр ва таклифлар билан алмашишни таклиф қилди.

Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот муҳокамаси якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан бюджет назорати соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш, Давлат бюджети маблағларини мақсадсиз сарфлашнинг олдини олиш бўйича амалий чоралар кўриш, вазирлик ва идоралар билан иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир дастурларни ишлаб чиқиш борасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга тааллуқли тавсиялар берилди.

Қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти ҳисоботи тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилди.

М.МАМЕТОВА

29 март — сайлов куни

АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ОШМОҚДА

Айни кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди. Шунга мувофиқ равишда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билими, фаоллиги ҳам ортиб бормоқда. Жойларда аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини оширишга бағишлаб ўтказилаётган семинарлар уларнинг бу борадаги билимларини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Мана шундай семинарлар куни кеча Яшнобод туманидаги Яшнобод қурилиш касб-ҳунар коллежи ва Сергели туманидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Туманлар фаоллари, участка сайлов комиссиялари аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар вакиллари, ўқитувчи ва ўқувчи-ёшлар иштирок этган ушбу тадбирлар фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтганлиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирларда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, «Халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилиги», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларининг тутган ўрни», «Фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнидаги ўрни» каби мавзуларда Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари Ҳ.Муҳамедов, Ш.Зулфиқоров, Тошкент автомобиль йўллари институти доцентлари А.Аллаберганов, Н.Жўрабоев, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси юристи А.Яшнарбеков, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси директори С.Бобоқулов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти беш йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Зарур маълумотларга бой бўлган учрашув давомида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 640-сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Термизда глобаллашув жараёнида оммавий ахборот воситалари олдида турган муҳим вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.- Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, ахборот хизматлари ходимлари ва журналистлар иштирок этди.

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган услубий-амалий семинар ўтказилди.

● «Нима қилдик Ватан учун?» шиори остида Жиззах вилоятида ўтказилган ижодий фестивалда таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, фаол ёшлар иштирок этди.

● Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида республика спартакиадасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун замонавий шароитлар яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан «Отам – суянчиғим, онам – меҳр булоғи» деб номланган танлов бўлиб ўтди. Ушбу танлов ёшларда ота-онага, устозга, кексаларга ҳурмат ва меҳр-муҳаббат туйғуларини кучайтириш, уларни улуғлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

● Андижон вилоятидаги таълим муассасаларида «Ўн икки йиллик мажбурий таълим биз, қизлар учун зарур ва муҳим» мавзусида ҳафталик ўтказилди. Тадбирда тўгараклар фаолиятини янада такомиллаштириш, етакчилар фаоллигини ошириш, қизларни тўгарақларга кенг жалб этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг асосий ороли ҳисобланмиш Хонсюнинг Нагано музофотидаги 380 мингдан ортиқ оилалар электр қувватидан узилиб қолди. Натижада ушбу йўналиш бўйича қатнайдиган тезюрар электр поездларнинг ҳаракати ҳам тўхтади.

● Кеча Индонезиянинг шарқий ҳудудида жойлашган Шимолий Сулавеси музофотида 5,3 магнитудали ер қимирлаши содир бўлди. Ҳозирча вайронагарчиликлар ва қурбонлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

● АҚШ шарқида кучли қор бўронининг хуружи туфайли самолётларнинг 1,5 мингдан ортиқ рейслари бекор қилинди. Тахминларга кўра, ушбу табиий офат эртага ҳам давом этади.

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН АБДУРАҲМОНОВИЧ КЕТМОНОВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ



ҲОТАМЖОН АБДУРАҲМОНОВИЧ КЕТМОНОВ

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Абдураҳмонович Кетмонов 1969 йилда Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилган.

Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий, 1993 йилда Андижон давлат тиллар педагогика институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Фарғона вилояти, Тошлоқ туманидаги 28-сонли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1995 — 2004 йилларда Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимларида фаолият юритган.

2004 — 2013 йилларда Андижон вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари лавозимида меҳнат қилган.

Бу даврда Ҳотамжон Кетмонов вилоятда жамоат ташкилотларини ривожлантириш, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ечишда уларнинг ролини ошириш учун зарур шароитларни яратиш бўйича амалий чораларнинг ҳаётга татбиқ қилинишида фаол иштирок этди.

Унинг бевосита иштирокида вилоятда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол ривожлантириш, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқаролик бурчларини англашлари йўлидаги фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

2013 йилда Ҳотамжон Кетмонов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўтган давр мобайнида партиянинг марказда ва жойлардаги ташкилий кадрлар салоҳиятини сезиларли даражада оширди, партия электоратини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда партия ташкилотларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширди.

2014 йилда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди.

2015 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

ДАСТУР

Мазкур дастурда, Ўзбекистон тараққиётининг бош стратегик мақсади — аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий амал қилиш, Ўзбекистон мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқаролик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган миллий манфаатларга содиқлик каби эзгу мақсадлар мужассамлашган.

Ушбу дастур Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига асосланади. Унинг устуворликлари жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга интилиш билан белгиланади.

Биз учун асосий устувор йўналишлар, аввалambor, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари ҳимояси йўлида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсатни юритиш; мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш; пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантиришдан иборатдир.

Биз **аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз**. Хусусан, қуйидагилар таклиф этилади:

— муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш. Улар қаторига, аввалambor, ишлаб чиқариш соҳасининг юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ва ташкилотлар киради. Ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади;

— касб-ҳунар коллежи битирувчиларига имтиёзли микрокредитларни тақдим этиш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан озод қилиш орқали уларнинг мустақил бандлигини таъминлаш ҳамда якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш;

— истиқболли ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда, уларнинг ўрта махсус касб-ҳунар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурларига ўзаро боғлиқ бўлган комплекс ёндашувни таъминлаш;

— тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртларига таълим контрактларини тўлаётган корхоналар ва ташкилотларни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш;

— муносиб иш ҳақи ва меҳнат шароитига эга бўлган қўшимча барқарор иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларининг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилувчи солиққа тортиш тизимини янада мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш;

— олий ва ўрта махсус касб-ҳунар маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаш йўналишларини аниқлашда корхоналар ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириб бориш.

Кам таъминланган оилалар манзилли ижтимоий ҳимояси самарадорлигини янада ошириш зарур. Бунинг учун қуйидагилар таклиф этилади:

— ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш, уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдам, асосан, кам таъминланган оилалар, қариялар ва болалар учун тақсимланишини таъминлаш;

— адолат ва меҳр-оқибат, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кенг қўллаган ҳолда, маҳалла институтининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатидаги ўрни ва аҳамиятини доимий равишда ошириб бориш;

— ўз бизнесини ташкил этиш ва турмуш фаровонлигини мустақил таъминлашга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фоизсиз ссудаларни ажратишни янада ривожлантиришни таъминлаш;

— кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, тегишли даврдаги тўланадиган маблағлар суммаси миқдорида, ўз бизнесини ташкил этиш учун мақсадли фойдаланиш шарти билан бир марталик тўловга алмаштириш механизмини ишлаб чиқиш;

— ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат назорати самарадорлигини янада ошириш орқали уларнинг нархи ва тарифлари ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигини таъминлаш;

— уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида, ижтимоий тураржой фондини шакллантиришга йўналтириладиган давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмидан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштиришни таъминлаш;

— тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг арзон автоном (локал) шаклларини ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштиришга эришиш;

— табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига тақдим этиладиган коммунал хизматлар нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш (газ, электр ва иссиқлик таъминоти, канализация, маиший чиқиндилар ва ҳ.к.).

Иқтисодий сиёсатдаги асосий устуворлигимиз бу — давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш орқали аҳолининг, аввалambor, қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари турмуш даражасини янада ошириш механизмига йўналтиришдан иборатдир. Шу боис иқтисодий соҳада қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

— тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва малакали мутахассислар учун иш ўринларини ташкил этиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

— тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, минимал даражада фоиз ставкаларини белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш;

— бюджет маблағларининг, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағлар мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлашишига имкон берадиган очиқ ва ошкора электрон савдолар имкониятларини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш.

Истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплекслари иқтисодий ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашнинг қўшимча омилига айланишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуйидагилар таклиф этилади:

— маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарини улар томонидан ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқаришини иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш ва имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш;

— ўз ишлаб чиқариши ҳисобига ички бозорни мақбул тарзда тўлдиришга эришишга қаратилган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ҳудудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

— мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қишлоқ жойларида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришда рағбатлантиришни кучайтириш.

Аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш масаласи ҳам бизнинг диққат марказимиздадир. Мазкур соҳада, жумладан, қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— аҳоли, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш;

— имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларининг ижроси устидан тизимли назорат самарадорлигини ошириш;

— фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, дори-дармон воситалари нархи устидан давлат назоратини кучайтириш ҳамда дори воситалари рекламасини чеклаш.

Демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадда қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошкора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки амалиётини изчил ривожлантиришни таъминлаш;

— доимий электорат манфаатларига алоқадор бўлган жойлардаги долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир кўрсатиш масалаларида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш бўйича чоралар кўриш;

— замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида аҳолига интерфаол давлат хизматлари ягона порталидан эркин фойдаланишни тақдим этувчи пунктлар тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

— ижтимоий шериклик институтини янада ривожлантиришни изчил таъминлаш;

— фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизмлари оммабоплигини кенгайтириш ва мазкур масалаларда суд назоратини кучайтириш ҳисобига суд қарорлари ижроси сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Ташқи сиёсат фаолияти масалаларида қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— Ўзбекистоннинг яқин қўшниларига нисбатан очиқ ва прагматик сиёсатни юритиш, улар билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

— минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мамлакатнинг халқаро ташаббусларини фаол илгари суришни таъминлаш;

— ташқи сиёсат фаолиятининг муҳим вазифаси Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда фаол ва ташаббускор иштирокини таъминлашдир. Шундан келиб чиқиб, Марказий Осиё мамлакатлари, дунёнинг бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кучайтириш зарур.

* * *

Дастурда қайд этилган устувор йўналишларни амалда рўёбга чиқариш мамлакатни ҳар томонлама ижтимоий ривожлантириш, халқ фаровонлигини изчил юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Наврўз умумхалқ байрами олдидан ва айём кунларида — жорий йилнинг
1 МАРТИДАН — 5 АПРЕЛИГА қадар барча деҳқон бозорларида кенг ассортиментдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи «Ярмарка савдолари» ташкил этилмоқда.

Шу муносабат билан, Республика миқёсидаги озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар деҳқон бозорларига ярмаркани ташкил этиш учун бириктирилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти томонидан Тошкент шаҳридаги йирик савдо корхоналари ва супермаркетлар ҳам бозорларга бириктирилди.

Ушбу ярмаркаларда кундалик рўзғор ва байрам дастурхони учун зарур бўлган барча турдаги сифатли озиқ-овқатлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини арзон нархларда ҳам накд пулга, ҳам терминаллар орқали банк пластик карточкаларига харид қилишингиз мумкин.

Ярмарка савдоларидан ташқари бозорлар таркибидаги «Элга хизмат» корхоналари, вилоятлардан бозорларга бириктирилган фермер хўжаликлари, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари ҳам байрам савдосига муносиб тайёргарлик кўришди.

Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ПУХТА АМАЛИЁТ — ТАЖРИБА ВА МАЛАКА АСОСИ

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан ҳам тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётир. Коллеж битирувчилари ҳақида барча маълумотлар жамланиб, уларнинг амалиёт ўташини ташкил этиш ва ишга жойлашишига кўмаклашиш учун ўқувчилар корхона ва ташкилотларга шартнома асосида бириктирилмоқда. Ўқувчиларнинг амалиёт машғулотларини юқори савияда ўтказиши, бўлғуси фаолияти бўйича зарур кўникмага эга бўлиши ҳамда ишга жойлашиши доимий назоратда.

– Бу каби саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда, – дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Ширинбек Тўйчибоев. – Ҳозиргача 2014 йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларнинг кўпчилиги иш билан таъминланди. 2200 га яқин битирувчи олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмоқда.

Ёшларнинг ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Тижорат банклари мутахассислари иштирокида жойларда семинарлар ўтказилиб, уларга бизнес режа тузишдан иш юритишгача бўлган барча жараёнларда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Натижада шу кунгача кўплаб ёшларнинг бизнес лойиҳасига тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ажратилди.

Тошкент политехника касб-ҳунар коллежида 1155 ўқувчи таҳсил олади. Мазкур билим масканидаги барча жиҳозлар билан таъминланган махсус фан хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, иккита лаборатория, замонавий компьютер хоналари, спорт зали, ахборот-ресурс маркази – ёшлар ихтиёрида. Фанлар бўйича ташкил этилган тўгараклар ўқувчиларнинг билим ва салоҳиятини оширишга кўмаклашмоқда.

Коллежда ёшларга молия, бухгалтерия ҳисоби, транспорт воситаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси, кенг ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш каби йўналишларда таълим берилади. Мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ошпазлик, электр жиҳозлари ва тармоқлари монтажи, хизмат кўрсатиш бўйича техник-электрик йўналишлари ҳам очилган.

Коллежни жорий йилда тамомлайдиган йигит-қизлар ўқув амалиётини Тошкент автомобиль-йўллар институти, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти каби олий ўқув юртларининг лаборатория ва ишлаб чиқариш устахоналарида олиб бормоқда. Бу уларнинг ўз соҳасига бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ташкил этиш ва келгусида уларни иш билан таъминлаш мақсадида «Nefis collection», «YU-Teks», «Ҳимоя-кийим», «Само-Инвест» масъулияти чекланган жамиятлари, «Электроаппарат-электрошит» қўшма корхонаси, «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси сингари қатор ташкилот ва корхоналар ҳамда кичик бизнес субъектлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Коллеж – корхона» тизими асосида ёшларнинг иш билан таъминланаётгани ҳам корхона, ҳам коллеж, ҳам ўқувчи учун фойдали бўлаётир. Масалан, болалар кийимлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «Nefis collection» жамиятида коллеж битирувчилари фаолият юритмоқда.

– Дугоналарим билан ишлаб чиқариш амалиётини мазкур корхонада ўтаган эдим, – дейди ёш мутахассис Азиза Муҳаммедова. – Коллежни битириб, меҳнат фаолиятимни шу ерда бошладим. Ишимдан, оиламга нафим тегаётганидан мамнунман. Келажакда ўз хусусий бизнесимни йўлга қўйиш ниятидаман. Бунинг учун юртимизда барча шарт-шароит яратилган.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Тадбирлар

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда туманда жойлашган 32 та умумтаълим мактаблари ўртасида «Зулфияхоним издошларимиз» шиори остида кўрик-танлов ташкил этилди.

Кўрик-танловнинг туман босқичи 25-сонли мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Тадбирда халқимиз суйган шоира Умида Абдуазимова иштирок этиб, Зулфиянинг бетакрор ижоди ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Тадбир давомида ҳар бир иштирокчи қизнинг бетакрор шеър, рақс ва қўшиқлари ташриф буюрган меҳмонларда илиқ таассурот қолдирди. Санъат мактаби ўқувчи-қизлари Зулфия ҳақида ёзган шеърлари билан иштирок этишди.

«Зулфияхоним издошлари» кўрик-танлови ғолиблари ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

* * *

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида «Камолот» ЁИҲ Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ва институтнинг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда «Халқимиз ардоғидаги шоира» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қ.Раҳимбоева, Ўзбекистон халқ артисти З.Суюнова, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Абидова ва бошқалар юрт, эзгулик, муҳаббат ва садоқат куйчиси Зулфия ижодининг ўзига хос жиҳатлари, адабиётимизда тутган ўрни ҳақида сўз юритишди.

Тадбир давомида талабалар Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Зиёда РАСУЛОВА



Мирзо Улуғбек туманидаги 307-мактабда 1-2-синф ўқувчиларига Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида инглиз тили чуқур ўргатилмоқда.

Чет тили ўқитувчиси Светлана Жандусова 1-синфларда турли ҳаракатли ўйин, оғзаки нутқ шаклидаги методлардан унумли фойдаланмоқда. 2-синф ўқувчилари босқичма-босқич тарзда алифбо ва ўқишни ўрганмоқда.

Акрам Абдуллаев олган сурат.

ЎЛКАМИЗГА ХУШ КЕЛИБСАН, ФАСЛИ НАВБАҲОР

Қуёшнинг илиқ тафти борлиққа ёйилди. Ер ҳиди, тупроқ бўйи бутун борлиқни тутди. Демак, соғинганимиз гўзал Баҳор келди.

Қишнинг қирчиллама, изғиринли кунлари ортда қолди. Аста-секин табиат уйғонмоқда. Унинг илиқ нафаси дов-дарахтлар, қушу қумурсқаларни уйғотиб, яратиш, яшнатиш, гўзаллик айёми келаётганидан дарак бермоқда. Қиш бобонинг аҳмоқ даҳмон, аямажуз, сариқ сумалак, ҳут-ютлари бўлган аёзли кунларини ҳисобга олмаганда фасллар келинчаги бўлган Баҳор эшик қоқди.

Ҳуш келдинг, ўлкамга, Баҳор! Сени соғиндик, интизор кутдик. Изғиринли совуқ кунларда фасли баҳорнинг хуш насимларига тезроқ етишни ният қилдик. Ариқларда сувларнинг шилдираши, қушларнинг чуғурлаб қорни ёриб чиқаётган майсазорларга ёпирилишлари, турналарнинг осмону фалакни тўлдирган қурей-қурейлари, қиру адирларнинг алвон рангдаги лолаларга бурканишини кўришга илҳақ бўлдик.

Сени соғиндик, Баҳор! Кўнгилларни қувончу шодликка тўлдир, мудраган туйғуларга жон ато эт, пок муҳаббат уларни бахт сари етакласин. Кексаларнинг айтишича, ҳут киргандa уйғониш фасли бошланади. Жанубдан эсган илиқ шабада қиш қаҳрини пасайтириб, ерга ҳам илиқ тафт олиб кирар экан. Аямажуз-олти кун, қаҳри келса қаттиқ кун. Ажуз-қишнинг онаси эмиш, унинг тўқсонта фарзанди бўлиб, улар қишнинг ҳар бир кунига ҳукмронлик қилар экан. Қиш қаттиқ келмаса, аёз момонинг жаҳли чиқар экан. Шунинг учун «тўқсон-бир кунимга йўқсан» дея ўз қаҳрини қаттиқ совуқлар билан кўрсатар эмиш.

Аммо вақт — олий ҳакам. У ҳукмини ўтказади, табиат уйғонишга юз тутади. Бойчечаклар бўй кўрсатиб кўнгилларга бир олам қувонч, кўтаринкилик бахш этади. Бободеҳқон кўпчиган ерларга барака уруғини қадашга шошилиб кетмонни елкага олса, миришкор боғбонлар гулу чечак, боласидек авайлайдиган дарахтлар билан тиллашиб мўл ҳосил олиш тадоригини кўргани ҳаракатини бошлайдилар.

Биз сени соғиндик, Баҳор! Орзиқиб, интилганимиз фасли навбаҳор келди. Уйғониш, янгиланиш, яшариш фасли. Шавқу завққа тўлган ҳаёт бизни чорламоқда. Уйғон замондошим, бағрингни оч, эртанги порлоқ келажак сари дадил қадам ташла, токи азиз умримизнинг азиз онлари бахт ва қувончга тўлиқ бўлсин.

Биз сени соғиндик, Баҳор!

Шаҳризода МУҲСИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

